

4-1-2018

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF STATE IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY

M. Abidov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abidov, M. (2018) "THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF STATE IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 10.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мақола Ўзбекистонда давлат молиявий назорати муаммоларига бағишланган. Мақолада давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, молиявий назорат органлари фаолиятининг тамойиллари ва давлат молиявий назоратини такомиллаштириш йўналишлари ўрганиб чиқилган.

Таянч сўзлар: давлат молиявий назорати, молия тизими, молиявий назорат, молиявий барқарорлик, қонунийлик.

Статья посвящена вопросам государственного финансового контроля в Узбекистане. В работе рассмотрены правовые основы функционирования органов государственного финансового контроля, принципы деятельности органов финансового контроля и направления совершенствования государственного финансового контроля.

Ключевые слова: государственный финансовый контроль, финансовая система, финансовый контроль, финансовая стабильность, законность.

The article is dedicated to state financial control in the Uzbekistan. In work legal bases in functioning structures of the state financial control, the principles activity of financial control structure are considered; directions of perfection in the state financial control are offered.

Key words: state financial control, financial system, financial control, financial stability, legality.

Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ бозор муносабатларига ўтиш, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнлари ўзига мос бўлган молиявий тизим ва механизмлар, шунингдек, молиявий назоратни шакллантиришни тақозо этди.

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида кучли молиявий назоратни шакллантиришни давр талаби ҳисобланади. Молиявий назоратни такомиллаштириш доимо мамлакатимиз раҳбариятининг диққат-эътиборида бўлди:

Бу хусусда Президентимиз Ш.Мирзиёев фикр юритар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Албатта, Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу – ҳаммага равшан ва рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, нима учун Ғазначилик ва Назорат-тафтиш бошқармасининг аппаратлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетган? Уларда жами 4 минг нафар ходим ишлайди ва уларнинг харажатига йилига 90 миллиард сўм давлат маблағи сарфланади. Ана шу

тузилмалар раҳбар ва ходимлари шундай тасаввур билан яшамоқдаки, уларнинг вазифаси гўё фақатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазолашдир.

Лекин фақат қамчи ва қилич билан ижобий натижаларга эришиб бўладими? Бу - нафақат хато фикр, балки чуқур янглишиш, деб ҳисоблайман. Бу борада профилактика ишларини ким самарали олиб боради?” [1].

Дарҳақиқат, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва давлат бюджети харажатларидан оқилона фойдаланиш жараёнида молиявий назоратнинг илғор усулларини қўллаш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда харажатларни тежашда молиявий назорат органларининг профилактик тадбирларни ўтказиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, товар ва пул оқимларини молиявий-иқтисодий бошқаришда давлат молиявий назоратининг самарали тизимини яратиш ўзига хос ўрин эгаллайди, бундан ташқари давлатнинг молиявий маблағларидан самарали фойдаланишнинг кафолати бўлиб давлат молиявий назорати ҳисобланади. Давлатнинг жамият олдидаги асосий вазифаларини бажаришдаги ролини ошириш бу амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат харажатлари ва молиявий оқимлар йўналишлари устидан самарали назоратни таъминлашга қодир бўлган замонавий молия тизимини яратишни талаб қилади. Ўз навбатида молия тизими эса мавжуд усуллардан фойдаланиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш учун давлат молиявий жараёнларининг юқори даражадаги тиниқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари таъминланган ҳамда молиявий барқарорликка эришган ҳозирги даврда давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли бўлиб хизмат қилади. У ҳам давлатнинг, ҳам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: давлат молиявий назорати; контрагентлар билан молиявий ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат; нодавлат молиявий назорати. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, бир томондан, ўзаро таъсирчан ва иккинчи томондан, мустақил бўлган икки соҳага бўлинади:

-давлат молиявий назорати;

-нодавлат молиявий назорати [2].

Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари назоратни амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамадан, ўзларининг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурслар туширишни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш бўлса,

бунга қарама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратнинг (айниқса, фирма ичидаги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат [3].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимлар молиявий назоратни 3 та турга бўлишган:

- Давлат молиявий назорати;
- Идоралараро молиявий назорат;
- Аудиторлик назорати [4].

Россиялик иқтисодчи олим Е.Грачева молиявий назоратнинг қуйидаги 4 та турини санаб ўтади:

- Давлат молиявий назорати;
- Идоралараро молиявий назорат;
- Ички хўжалик назорати;
- Аудиторлик назорати [5].

Айни пайтда молиявий назорат тушунчасига жуда катта аҳамият берилмоқда, баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, молиявий назорат бу молиянинг назорат функциясини амалга оширадиган шакли, бошқа олимлар эса ташкилий бошқарув нуқтаи назаридан ёндашиб, махсус ташкил қилинган назорат органлари фаолияти деб таърифлашади. Кўплаб олимлар молиявий назоратни бошқарувнинг функцияси сифатида кўришади. Лим декларациясига кўра назоратнинг бошқарув тамойилларида шундай дейилган: “Назоратни ташкил қилиш бу молиявий маблағларни бошқаришнинг мажбурий элементи бўлиб ҳисобланади, бундай бошқарув жамоат олдида жавобгарликни келтириб чиқаради. Назорат - бирдан бир мақсад эмас, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир” [6].

Молиявий назоратнинг объектларига пул муносабатлари, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги қайта тақсимлаш жараёнлари, шу жумладан, барча даражалардаги ва хўжаликнинг барча бўғинларидаги пул фондлари шаклидаги молиявий ресурслари киради. Фойда, даромадлар, рентабеллик, таннарх, муомала харажатлари каби қиймат кўрсаткичлари текширувларнинг бевосита предметиدير. Пулдан фойдаланиш орқали ва айрим ҳолларда пулсиз (масалан, бартер битимлари) амалга ошириладиган операцияларнинг барчаси молиявий назоратнинг соҳаси ҳисобланади.

Шунингдек, давлат молиявий назоратини давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва оқилоналигини назорат қилиш фаолияти сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлат молиявий назорати иқтисодиётни ривожлантириш, барқарорлиги таъминлаш ва сифатли бошқариш жараёнини тубдан ўзгартиришнинг асосий муваффақиятларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назорати давлат назорати ягона механизмнинг таркибий қисми ҳисобланади, давлат молиявий назоратсиз давлатнинг иқтисодиёти ва молиявий тизими нормал фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Давлат молиявий назорати молиявий фаолиятнинг барча босқичларида амалга оширилади, яъни пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш (қайта тақсимлаш) ва ишлатиш жараёнида юзага келади.

Ўзбекистонда давлат молиявий назорати тизимининг ривожланиши узлуксиз жараён ҳисобланиб, у ўзининг ривожланишида маълум босқичлардан ўтган ва ҳозирда ҳам давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегияси доирасида ислоҳ қилинмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда молиявий назорат соҳасига янги истиқболли тизимлар ва усулларни жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати молия соҳасида интизомни ушлаб туриш, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги мажбуриятларини бажариш, ҳисоб ва ҳисобот қоидаларига амал қилиш самарадорлигини ошириш, давлат молия тизими барча бўғинлари даромадлари ва харажатларининг қонунийлиги, давлат ресурсларидан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланилишини таъминлаш, молиявий қонунчиликни бажарилиши ва амал қилинишини текширишга қаратилган.


Давлат молиявий назоратининг таъсирчан тизимини яратиш, молиявий маблағларни шакллантириш ва ишлатиш бўйича давлат функцияларини муваффақиятли амалга оширишини таъминлаши керак ва давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тезлаштиришга қаратилган бўлиши, ҳамда миллий иқтисодиёт ва молия тизимини мустаҳкамлашнинг омили сифатида қаралиши лозим.

Давлат молиявий назорати миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жамият ва хусусий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларини ошириш, илмий-техник тараққиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳамда бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ҳажмини оширишга қаратилган бўлиши керак. Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади. Молиявий назоратни амалга ошириш давомида молиявий интизом ҳолати, қонунбузарликлар аниқланади ва давлат молиясининг келажакдаги фаолиятини такомиллаштириш учун асос яратилади.

Қуйида давлат молиявий назоратининг яхлит тизимини яратишга қаратилган асосий вазифаларни келтиришимиз мумкин:



1-расм. Давлат молиявий назоратининг яхлит тизимини яратишга қаратилган асосий вазифалар¹.

Давлат молиявий назоратининг объекти сифатида давлат маблағларини ишлатиш ва шакллантириш билан боғлиқ бўлган хўжалик ташкилотлари субъектларининг фаолияти жараёнида вужудга келадиган барча пул муносабатлари тушунилади.

Молиявий назорат белгиланган маълум тамойиллар асосида ташкил қилинади ва ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 172-моддасида Давлат молиявий назорати принциплари келтирилган, жумладан давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги, шунингдек давлат молиявий назорати натижаларининг ишончлилиги ва холислиги давлат молиявий назоратининг принципларидир [7].

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги таъминлашнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ тарзда назоратни ўтказишни таъминлайдиган ҳуқуқий базанинг мавжудлигини ва молиявий назорат органларининг ташкилий, функционал ҳамда молиявий жиҳатдан мустақиллиги амалдаги қонунчилик билан таъминланишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасида Давлат молиявий назорати республика даражасида ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши назорат фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1503-сонли Фармони билан ташкил этилган [8].

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3665-сонли Фармони билан тасдиқланган. Ҳозирда назорат органларининг сони 47 тани ташкил қилади [9].

Шуни таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади. Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назорати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида амалга оширилади. Бюджетлараро муносабатлар мураккаблашиб кетадиган бозор иқтисодиёти шароитида давлат молиявий назоратининг аҳамияти янада ортади. Унинг мақсади давлат бюджет сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишига қўмаклашиш, пул маблағларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнини таъминлашдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назоратининг асосий вазифаларидан бири бу молиявий қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, молиявий интизомни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслик орқали давлат молиявий сиёсатининг амалга оширилишига қўмаклашишдан иборатдир. Шу билан бир қаторда Давлат молиявий назорати оптимал бюджет ва солиқ сиёсатининг ишлаб

чиқилиши ва самарали амалга оширилиши ҳамда давлат бюджетига ва иқтисодийнинг ривожланишига тушумларнинг максимал даражада ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий интизомга риоя қилинишига эришиш воситаларидан бири молиявий назоратдир. Молиявий назорат тизимини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -104 б.

2. Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д. Мацкуляка.- М.: Изд-во РАГС, 2007. с.23

3. Яхшибоев Ф. Молиявий назорат. Ўқув қўлланма.-Тошкент, “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008. 217-б.

4. Зудилин А.П., Ахмедов Ф.Н. Финансовый контроль: Учеб. пособие. - М.: Изд-во РУДН, 2000. - 124 с.

5. Грачева Е. Финансовое право. Учебник. –М.: Проспект, 2014. 580 стр.

6. <http://www.intosai.org> – Олий назорат органлари халқаро ташкилоти.

7. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2013 йил 26 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1503-сонли Фармони.

9. www.tekshiruvlar.uz.